

1713/4745 - عَنْ سَهْلِ بْنِ سَعْدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، أَنَّ عُيُومِرًا أَتَى عَاصِمَ بْنَ عَدِيٍّ، وَكَانَ سَيِّدَ بَنِي عَجْلَانَ، فَقَالَ: كَيْفَ تَقُولُونَ فِي رَجُلٍ وَجَدَ مَعَ امْرَأَتِهِ رَجُلًا، أَيَقْتُلُهُ فَتَقْتُلُونَهُ، أَمْ كَيْفَ يَصْنَعُ؟ سَلْ لِي رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنْ ذَلِكَ، فَأَتَى عَاصِمُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، فَكَّرَهُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْمَسَائِلَ، فَسَأَلَهُ عُيُومِرٌ فَقَالَ: إِنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَرِهَ الْمَسَائِلَ وَعَابَهَا، قَالَ عُيُومِرٌ: وَاللَّهِ لَا أَتَّهِي حَتَّى أَسْأَلَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنْ ذَلِكَ، فَجَاءَ عُيُومِرٌ فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، رَجُلٌ وَجَدَ مَعَ امْرَأَتِهِ رَجُلًا، أَيَقْتُلُهُ فَتَقْتُلُونَهُ، أَمْ كَيْفَ يَصْنَعُ؟ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: قَدْ أَنْزَلَ اللَّهُ الْقُرْآنَ فِيكَ وَفِي صَاحِبَتِكَ. فَأَمْرُهُمَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِالْمَلَاعِنَةِ بِمَا سَمَى اللَّهُ فِي كِتَابِهِ، فَلَاعَنَهَا، ثُمَّ قَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنَّ حَبَسْتُهَا فَقَدْ ظَلَمْتُهَا، فَطَلَّقَهَا، فَكَانَتْ سُنَّةً لِمَنْ كَانَ بَعْدَهُمَا فِي الْمُتَلَاعِنِينَ، ثُمَّ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: انظُرُوا، فَإِنْ جَاءَتْ بِهِ أَسْحَمَ، أَدْعَجَ الْعَيْنَيْنِ، عَظِيمَ الْأَلْيَتَيْنِ، حَدَجَ السَّاقَيْنِ، فَلَا أَحْسِبُ عُيُومِرًا إِلَّا قَدْ كَذَبَ عَلَيْهَا. فَجَاءَتْ بِهِ عَلَى النَّعْتِ الَّذِي نَعَتَ بِهِ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنْ تَصْدِيقِ عُيُومِرٍ، فَكَانَ بَعْدُ يُنْسَبُ إِلَى أُمَّهِ.

1713.4745. Саҳл ибн Саъд розияллоху анху ривоят қиладилар:

«Уваймир Осим ибн Адийнинг олдига келди. У Бану Ажлоннинг бошлиғи эди. «Аёлини бир эркак билан топиб ушлаб олган киши ҳақида нима дейсизлар? У уни (эркакни) ўлдирди, сизлар эса уни ўлдирасизларми? Ёки у қандай иш тутди? Шунини менга Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламдан сўраб бер», деди.

Осим Набий соллаллоху алайҳи васалламга келиб: «Эй Аллоҳнинг Расули...»

деган эди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу саволни хушламадилар. Кейин Уваймир ундан (Осимдан) сўраган эди, у: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу саволни хушламадилар, айбладилар айб санадилар», деб айтди. Уваймир: «Аллоҳга қасамки, буни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўрамагунча тўхтамайман», деди. Уваймир келиб: «Эй Аллоҳнинг Расули, аёлини бир эркак билан топиб ушлаб олган киши уни ўлдирди, кейин сизлар уни ўлдирасизларми? Ёки у қандай иш тутади?» деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ сен ва соҳибанг ҳақида (оят) нозил қилди», дедилар. Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам икковига худди Аллоҳ Ўз Китобида айтганидек мулоъана* қилишни буюрдилар. Шунда у аёли билан мулоъана қилди. Кейин: «Эй Аллоҳнинг Расули! Агар уни ушлаб турсам, унга зулм қилган бўламан», деди-да, уни талоқ қилди. Бу (яъни ажрашиш) улардан кейинги мулоъана қилувчилар учун суннат бўлиб қолди.* Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қаранглар, агар (аёл) қоп-қора, кўзлари тим қора, думбалари катта, болдирлари биққи (бола) туғса, демак, Уваймир унинг ҳақида рост гапирибди деб ҳисоблайман. Агар ваҳара* каби малла-қизғиш (бола) туғса, унда Уваймир унинг ҳақида ёлғон гапирибди деб ҳисоблайман», дедилар. (Аёл болани) Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Уваймирни тасдиқлайдиган қилиб сифатлаган сифатда туғди. Шундан кейин (бола) онасига нисбат бериладиган бўлди».

Изоҳ: «Мулоъана» бир-бирини лаънатлаш дегани бўлиб, шаръий истилоҳда эр-хотин орасида бўладиган, қасамлар билан таъкидланган, эр томонидан лаънат, хотин томонидан ғазаб тилаш билан келтириладиган гувоҳликка айтилади. Эр аёлини зинода айбласа, лекин хотин буни тан олмаса, иккаласидан ҳам қасам талаб қилинади. Эр унинг зино қилганини таъкидлаб, тўрт марта Аллоҳга қасам ичади ва бешинчисида «Агар ёлғон гапираётган бўлсам, Аллоҳнинг лаънатига қолайин», деб онт ичади. Аёл буни тан олса олди, бўлмаса ундан ҳам буни рад қилиш учун эрининг сўзи ёлғон эканини таъкидлаб, тўрт марта Аллоҳга қасам ичиш ва бешинчисида «Агар эримнинг гапи рост бўлса, Аллоҳнинг ғазабига қолайин», деб онт ичиши талаб қилинади. Мулоъана ҳақидаги оятлар Нур сурасининг 6-9-оятларидир.

* «Суннат бўлиб қолди», дегани шаръий ҳукм бўлиб қолди, деганидир. Бу ҳақда «Лиъон ва лиъондан сўнг талоқ қилган киши ҳақида» номли бобда алоҳида тўхталинган.

* Ваҳара – саҳрода юрадиган калта, малла-қизғиш қурт.



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI